

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САХИБОВЕВ ДИЛШОД ПАРПИЖАЛИЛОВИЧ

**БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ХАВФСИЗ ЎСМАЛАРИДА ЖАРРОҲЛИК
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак - қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Сахибоев Дилшод Парпижалилович Буйрак усти беги хавфсиз ўсмаларида жарроҳлик даволаш усулларини қайта ишлаш ва такомиллаштириш	3
Сахибоев Дилшод Парпижалилович Разработка и совершенствование методов хирургического лечения доброкачественных опухолей надпочечников.....	25
Sahiboev Dilshod Parpijalilovich Development and improvement methods of surgical treatment of benign tumors of adrenal glands.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	53

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САХИБОВЕВ ДИЛШОД ПАРПИЖАЛИЛОВИЧ

**БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ХАВФСИЗ ЎСМАЛАРИДА ЖАРРОҲЛИК
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак - қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.DSc/Tib208 рақам билан рўйхатга олинган.

Доторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Беркинов Улугбек Базарбаевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Емельянов Сергей Иванович тиббиёт фанлари доктори, профессор Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Юсупбеков Аброрбек Ахмеджанович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	«А.В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий текшириш маркази» Федерал Давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Доторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (75-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, “буйрак усти беzi хавфсиз ўсмаларининг ривожланиш частотаси 10 000 аҳолига 1-5 гача тўғри келади, буларнинг аксариятини 20-50 ёшли беморлар ташкил қилади¹. Радиоиммунологик усулларни клиник амалиётга кенг татбиқ этилиши ушбу касалликларнинг клиник кўринишлари ривожланишидан олдин касалликнинг топологик ва нозологик ташхисини сезиларли даражада яхшилади². Буйрак усти беzi ўсмаларини даволашнинг асосий усули адреналэктомия ҳисобланади. Амалиётнинг муваффақиятли амалга оширилиши буйрак усти безининг чуқурда жойлашиши туфайли амалиётдан кейинги кўплаб асоратларнинг асосий сабаби бўлган жуда травматик йўл билан киришни талаб қилади»³. Адреналэктомия жароҳатларини камайтиришга қаратилган уринишлардан бири рентгенэндоваскуляр амалиётларни жорий этилиши бўлиб, бир қатор ҳолатларда буйрак усти беzi гормонларининг фаоллигини камайтиради. Шу билан бирга, буйрак усти безлари патологиясида ушбу усулни татбиқ этиш тажрибасига эга бўлган бир нечта муаллифлар фикрига кўра, ўсма бўлганда бу усул самарасиз ҳисобланади. Адреналэктомия жароҳатларини минималлаштириш бўйича яна бир кадам эндовизуал технологиянинг жорий этилиши ҳисобланади. Эндовизуал усуллардан фойдаланадиган амалиётлар сони аста-секин ўсиб бормоқда ва бугунги кунда ушбу технология буйрак усти беzi ўсмаларини даволашда “олтин стандарт”га айланди. Бироқ, лапароскопик технологияларнинг ривожланиши тортишувларга сабаб бўлган бошқа муаммолар, яъни фойдаланиш имкониятини танлашнинг ягона ва оқилона концепцияси йўқлиги, амалиёт бажариш жараёнини такомиллаштириш ва техникасига индивидуал ёндашувни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлишига олиб келди.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида буйрак усти беzi ўсмалари ривожланишининг патогенетик механизмларини ўрганиш анатомик ва функционал, генотипик ва морфологик хусусиятларни ўз ичига олган турли хил омилларга боғлиқ бўлган долзарб тадқиқотлардан ҳисобланади. Бунда буйрак усти беzi ўсмалари хужайраларининг тафовутланиши ва гистогенетик тегишлилигини таҳлил қилишга имконини берувчи аъзо, тўқималар ва цитоспецифик белгиларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ядро организаторида кислотали оксиллар фаоллигини аниқлашга асосланган пролифератив фаолликни баҳолаш билан буйрак усти беzi ўсмаларнинг клиник кўриниши ва прогнозларини ўрганиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Иммуногистокимёвий йўналишдаги изланишлар истиқболли бўлиб қолмоқда, чунки улар бу ўсмаларнинг клиник

¹World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

² Bhargava P, Sangster G, Haque K, Garrett J, Donato M, D'Agostino H. A Multimodality Review of Adrenal Tumors. // *CurrProblDiagnRadiol*. 2018 Oct 25. pii: S0363-0188(18)30252-4.

³ Unger N. Adrenal incidentaloma : Diagnostic and therapeutic concept from an endocrinological perspective. // *Chirurg*. 2019 Jan;90(1):3-8. doi: 10.1007/s00104-018-0739-6. Review. German.

хусусиятларини башорат қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган буйрак усти беши ўсмалари турли қисмларининг гистогенетик келиб чиқишини таҳлил қилишга имкон беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда буйрак усти беши ўсмалари бўлган беморларни хирургик усулда даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, бу тоифадаги беморларга юқори технологик хирургик хизмат кўрсатишни яхшилашда муайян ижобий натижаларга эришилган. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан буйрак усти беши ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш усулларини такомиллаштириш, амалиётдан олдинги тайёргарлик ва комплекс хирургик амалиётнинг тактик усулларини ишлаб чиқиш натижаларини такомиллаштириш жорий соҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Буйрак усти беши яхши сифатли ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

² Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Sapalidis K, Mandalovas S, Kesisoglou I. Laparoscopic Excision of an Adrenal Ganglioneuroma Presented as an Incidentaloma of the Retro Peritoneum. // Curr Health Sci J. 2018 Jan-Mar;44(1):71-75; Guntiboina VA, Sengupta M, Islam N, Barman S, Biswas SK, Chatterjee U, Mishra PK, Roy P, Mallick MG, Datta C. Diagnostic and prognostic utility of SF1, IGF2 and p57 immunoeexpression in pediatric adrenal cortical tumors. // J Pediatr Surg. 2018 Dec 27. pii: S0022-3468(18)30804-2; Alrezk R, Suarez A, Tena I, Pacak K. Update of Pheochromocytoma Syndromes: Genetics, Biochemical Evaluation, and Imaging. // Front Endocrinol (Lausanne). 2018 Nov 27;9:515; Xiao H, Xu D, Chen P, Zeng G, Wang X, Zhang X. Identification of Five Genes as a Potential Biomarker for Predicting Progress and Prognosis in Adrenocortical Carcinoma. // J Cancer. 2018 Oct 31;9(23):4484-4495; Bhargava P, Sangster G, Haque K, Garrett J, Donato M, D'Agostino H. A Multimodality Review of Adrenal Tumors. // CurrProblDiagnRadiol. 2018 Oct 25. pii: S0363-0188(18)30252-4. Feo CV, De Troia A, Pedriali M, Sala S, Zatelli MC, Carcoforo P, Feo CF. Adrenal cavernous hemangioma: a case report. // BMC Surg. 2018 Nov 20;18(1):103; Ramsetty A, Bragg S, Bradford S, Bain J. Endocrine Conditions in Older Adults: Adrenal Tumors. // FP Essent. 2018 Nov;474:28-32; Chatzoulis G, Passos I, Bakaloudi DR, Giannakidis D, Koumpoulas A, Ioannidis K, Tsifountoudis I, Pappas D, Spyridopoulos P. Giant nonfunctioning adrenal tumors: two case reports and review of the literature. // J Med Case Rep. 2018 Nov 10;12(1):335; Picard C, Orbach D, Carton M, Brugieres L, Renaudin K, Aubert S, Berrebi D, Galmiche L, Dujardin

сифати ва комплекс хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим ташкилотларида олиб борилмоқда, шу жумладан, 3rd Department of Surgery, ANEPА University Hospital, Aristotle University of Thessaloniki (Thessaloniki, Greece), Johns Hopkins Hospital (Meriland, USA), Royal Marsden (London, England), Department of Pediatric Surgery, Nil Ratan Sarkar Medical College & Hospital (Kolkata, India), Cleveland Clinic, Adrenal Center, Endocrinology and Metabolism Institute (Cleveland, USA), Asan Medical Center (Seoul, South Korea), National Institute for Physiological Sciences (Tokio, Japan), Provincial Hospital (Castellon, Spain), Max-Planck-Institut für Molekulare Physiologie Leibniz-Institut für Molekulare Pharmakologie (Berlin, Germany), Biomedical Engineering, Stony Brook University (New York, USA), Department of Medical Sciences, Section of Endocrinology and Internal Medicine, S. Anna University Hospital of Ferrara, and University of Ferrara (Ferrara, Italy); Department of Pathology and Molecular Medicine, Queen's University (Otava, Canada); Department of Surgery, 424 General Military Hospital of Thessaloniki (Thessaloniki, Greece), Department of Pathology, Hôpital Robert Debré, Assistance Publique-Hôpitaux de Paris (Paris, France), Klinik für Endokrinologie, Diabetologie und Stoffwechsel, Universitäts klinikum Essen, Hufelandstr (Essen, Deutschland), Н.Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази (Москва, Россия), Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент, Ўзбекистон).

Жаҳонда буйрак усти беши хавфсиз ўсмаларини хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар натижасида, шу жумладан, КТ нинг ноинвазивлиги, юқори маълумот бериш, қизиқиш соҳасини тўғридан-тўғри тасвирлаши, тасвирларни уч ўлчамли реконструкция қилиш имконияти 86% сезгирлик билан уни таъхислашнинг “олтин стандарт”га айлантирган (Cleveland Clinic, Adrenal Center, Endocrinology and Metabolism Institute, USA); анъанавий адреналэктомиянинг камчиликлари амалиётнинг юқори травматиклиги ва амалиёт вақтида пастки кавак венани, ошқозон ости беши ва талокни жароҳатлаш каби жиддий асоратларнинг юзага келиши, ўлим кўрсаткичининг даражаси 11% гача етиши аниқланган (Department of Medical Sciences, Section of Endocrinology and Internal Medicine, S. Anna University Hospital of Ferrara, and University of Ferrara, Italy); адреналэктомиядан кейин узок даврда беморларнинг 40-69% ида артериал қон босими меъёрлашди, гиперальдостеронизмда асосий манбани олиб ташлаш юқори қон босими ва қон томирлар деворларидаги қайтмас ўзгаришлар, қон томир деворининг мослашиши туфайли қон босими юқори рақамларда сақланиши исботланган (Department of Pathology, Hôpital Robert Debré, Assistance Publique-Hôpitaux de Paris, France); видеоэндоскопик адреналэктомия “анъанавий” амалиётга нисбатан камроқ травматиклиги, кам қон кетиши, анальгетикларга бўлган эҳтиёжнинг камлиги, яра асоратларини

F, Leblond P, Thomas-Teinturier C, Dijoud F. Revisiting the role of the pathological grading in pediatric adrenal cortical tumors: results from a national cohort study with pathological review. // Mod Pathol. 2018 Nov 6. doi: 10.1038/s41379-018-0174-8; Unger N. Adrenal incidentaloma : Diagnostic and therapeutic concept from an endocrinological perspective. //Chirurg. 2019 Jan;90(1):3-8.

камайтириши, бемор учун амалиётдан кейинги даврда қулайликнинг ошириш, косметик, психологик, тиббий ва иқтисодий самарадорлигини ошириши, асоратлар частотаси 11%, ўлим кўрсаткичи эса 1% ни ташкил этиши аниқланган (Asan Medical Center, Seoul, South Korea).

Айни пайтда, жаҳонда буйрак усти хавфсиз ўсмаларини ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар давом эттирилмоқда, шу жумладан, буйрак усти беzi ўсмаларида турли амалиётларга тайёрлаш стандартларини ишлаб чиқиш; буйрак усти беzi зарарланишларида ташхислаш усуллари оптимал таркиби ва кетма-кетлигини аниқлаш; ўсманинг морфолок хусусиятига кўра хирургик даволаш узок натижаларини таҳлил қилиш; хирургик усулда даволаш натижаларини амалиётга ёндашувни такомиллаштириш; тактик-техник жиҳатларни ва усулларни, буйрак усти беzi хавфсиз ўсмалари учун даволаш алгоритминини такомиллаштириш орқали ўсма ўлчами ва унинг гормонал фаоллигини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг оптимал усулини танлаш имконини берди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Буйрак усти беzi ўсмаларини хирургик усулда даволаш муаммолари ва бутун дунёдаги кўплаб йирик илмий тадқиқот институтлари ва клиникаларида кенг миқёсда ўрганилмоқда. Бу ўсмаларни хирургик усулда даволаш билан боғлиқ муаммолар топиқ ташхислаш, бемор аъзолари ва тизимларида қайтмас ўзгаришлар, ўзига хос асоратлар билан аниқланади. Iñiguez-Ariza NM¹ нинг фикрига кўра, гормонал фаол буйрак усти беzi ўсмалари артериал гипертензия билан кечиб, нисбатан ёш беморларнинг ногиронлиги сабабларидан бири ҳисобланади ва оғир ҳолатларда ўлимга олиб келади. Гормонал фаол бўлмаган буйрак усти беzi ўсмаларининг кўплаб клиник жиҳатлари ҳам етарли даражада ўрганилмаган. Бир қатор муаллифлар беморларни динамик кузатувини мақуллайди, бу инциденталомаларнинг хавфли ўсмага айланишига мойиллиги пастлиги, ўсиш ва гормонал фаоллигининг пастлиги билан ифодаланади (Yang H²). Шу билан бир вақтда, макропрепаратни гистологик текширув натижалари инциденталомалар орасида адренкортикал саратоннинг улуши 2,4-4,5% ва яширин гормонал фаол ўсма 7-12% ни ташкил этади (Zheng W³).

Бошқа тадқиқотчилар эса фаол хирургик тактикани кўпроқ талаб қилишмоқда. Lavingia K⁴, нинг фикрига кўра, “АҚШда адреналэктомия сони 1980 йилдан 2018 йилгача 2,5 маротабага ошди”. Россияда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилган. “Баъзилар хавфсиз ўсма туфайли хирургик амалиётга кўрсатмаларни белгилашда унинг ўлчамларига асосланадилар ва бу

¹Iñiguez-Ariza NM, Kohlenberg JD, Delivanis DA, Hartman RP, Dean DS, Thomas MA, Shah MZ, Herndon J, McKenzie TJ, Arlt W, Young WF Jr, Bancos I. Clinical, Biochemical, and Radiological Characteristics of a Single-Center Retrospective Cohort of 705 Large Adrenal Tumors. // Mayo ClinProcInnovQual Outcomes. 2017 Dec 21;2(1):30-39.

²Yang H, Wu HH, Bu N, Zhou L, Zhang JQ, Zhou LQ, Guo XH. Clinical characteristics of silent pheochromocytoma // Zhonghua Yi XueZaZhi. 2018 Sep 11;98(34):2727-2731.

³Zheng W, Fung KM, Cheng L, Osunkoya AO. Benign vascular tumors, cysts, and pseudocysts of the adrenal gland: a contemporary multi-institutional clinicopathological analysis of 55 cases. // Hum Pathol. 2018 Dec;82:95-102.

⁴Lavingia K, Torabi R, Kim SW, Hughes MS, Feliberti EC, Perry RR. A Rare Adrenal Incidentaloma That Mimics Adrenocortical Carcinoma. // Case Rep Surg. 2018 Jun 7;2018:9607972.

кўрсаткич 2 дан 7 см гани ташкил қилади” (Bhargava P¹). Шу нуқтаи назардан, бундай ўсмалари бўлган беморларда асоссиз хирургик амалиётлари жуда юқори эканлиги аниқланган. Сўнгги йилларда буйрак усти беzi бўйича анъанавий “очик” амалиётлар билан бир қаторда эндовидеохирургик усуллар дунё миқёсида клиник амалиётга кенг татбиқ этилган. Ушбу усулларнинг ҳар бири ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Инциденталомаларда “очик” ёки эндовидеоскопик хирургик амалиётларни танлаш учун аниқ кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни аниқлаш, хирургик кесимни танлаш (очик амалиётларда – люмботомия, лапаротомия, тораколюмболапаротомия, эндоскопик амалиётларда – қорин орқали ёки қориндан ташқари), шунингдек, амалиётни бажариш техникасини танлаш муҳим ва долзарб масала ҳисобланиб, шубҳасиз, даволаш натижаларини яхшилашга таъсир кўрсатади.

Адабиёт маълумотлари таҳлили кўрсатадики, буйрак усти беzi хавфсиз ўсмаларини ташхислаш ва хирургик усулида даволаш сифати сезиларли яхшиланди, лекин универсал диагностика ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, амалиёт учун кўрсатма ва оптимал вариантини, амалиёт ҳажмини танлаш имконини беради, бу эса нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга бўлиб, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам натижаларини яхшилашга, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга йўналтирилган. Реабилитация муаммоси ва ҳаёт сифатини яхшилаш махсус тиббий ва ижтимоий аҳамият касб этади, чунки бундай ўсма билан касалланган беморларнинг асосий қисми меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилардан иборатдир.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг “Инсон хирургик касалликларини диагностикаси ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2013-2018йй.) мавзусидаги 01.07.0069-сон илмий-тадқиқот иши режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади буйрак усти беzi хавфсиз ўсмалари билан оғриган беморларда ташхислаш, амалиёт олди тайёргарлиги ва комплекс хирургик давога тактик-техник ёндашишни такомиллаштириш йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буйрак усти беzi хавфсиз ўсмаларини патогномоник МСКТ мезонларини аниқлаш ва дифференциация қилиш учун балли баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

буйрак усти беzi ўсмаларида патологик жараённинг шакли ва босқичини дифференциал ташхислашда селектив флебография самарадорлигини аниқлаш;

¹Bhargava P, Sangster G, Haque K, Garrett J, Donato M, D'Agostino H.A Multimodality Review of Adrenal Tumors. // CurrProblDiagnRadiol. 2018 Oct 25. pii: S0363-0188(18)30252-4

буйрак усти безининг хавфсиз гормонал фаол бўлмаган ўсмаларини фармакологик аниқлаш самарадорлигини провокацион синамаларни ўтказиш йўли билан ўрганиш;

буйрак усти безининг хавфсиз ўсмалари бўлган беморларда анъанавий очик адреналэктомия натижаларини таҳлил қилиш;

буйрак усти безининг хавфсиз ўсмалари бўлган беморларда эндоваскуляр амалиётларнинг самарадорлигини баҳолаш;

лапароскопик адреналэктомия ўтказиш жараёнида тактик ва техник жиҳатларни оптималлаштириш;

буйрак усти безининг хавфсиз ўсмаларида ретроперитонеоскопик адреналэктомия усулини такомиллаштириш;

буйрак усти безининг хавфсиз ўсмаларида эндовидеоскопик амалиётлар натижаларини ўрганиш;

буйрак усти безининг хавфсиз ўсмаларини хирургик усулда комплекс даволашда клиник амалиётга ёндашувни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг II клиникасида 1994 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда буйрак усти безининг хавфсиз ўсмалари бўлган 284 нафар беморнинг даволаш натижалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети буйрак усти беги хавфсиз ўсмалари бўлган беморларни турли хирургик усулда даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланди: умумий клиник (умумий ва биокимёвий қон ва сийдик таҳлиллари), инструментал (УТТ, ЭхоКГ), нурли (МСКТ-ангиографияси, МРТ), махсус (гормонал профил тадқиқотлар) ва статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

МСКТ ва ҳажмли ҳосила гистологик тузилиш маълумотларини корреляцион боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали буйрак усти беги ўсмаларини хавфсиз ёки хавфли бўлиш эҳтимоллиги аниқланган;

чап буйрак усти безининг кичик ўлчамдаги (2 см гача) ўсмаларида аденомани гиперплазиядан фарқлаш имконини берувчи қон-томирлар анатомияси вариантларининг ангиографик хусусиятлари аниқланган;

гиперальдостеронизмни Иценко-Кушинг синдромининг субклиник шакли ва “сезилмайдиган” феохромоцитомалардан қиёсий ташхислаш учун гормонал фаол бўлмаган ўсмаларни фармакологик текшириш мезонлари ишлаб чиқилган;

адреналэктомиядан кейин қолдиқ артериал гипертензия, касалликнинг узоқ вақт давомида кечиши ва нишон аъзоларда иккиламчи ўзгаришлар таъсири билан боғлиқ бўлган касалликнинг клиник кўринишларини қисман регрессия эҳтимолига таъсир қилувчи патогенетик омиллар очиб берилган;

эндоваскуляр амалиётлар ёмон прогнозининг асосий сабаблари касалликнинг буйракнинг сурункали яллиғланишлари, буйрак усти беги тўқимасининг 1,0 см дан катта ўсма пайдо бўлганда девитализациясининг

бузилиши ва атеросклеротик келиб чиқишга эга вазоренал механизмли артериал гипертензия эканлиги исботланган;

буйрак усти бези гормонал фаол ўсмалари бўлган беморларни амалиётдан олдинги тайёрлаш усули, гормонларнинг индукция шароитларини тўғрилаш ва ўзига хос гемодинамик асоратларни камайтириш усули такомиллаштирилган;

орқа ретроперитонеал адреналэктомияни беморнинг амалиёт столида ҳолатини оптималлаштириш ва яхши сифатли ўсманинг анатомик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бажариш усули ишлаб чиқилган;

буйрак усти бези ўсмаларининг асосий клиник ва биокимёвий кўринишлари, нишон аъзолар ва унга боғлиқ бўлган касалликларнинг асоратларини динамик баҳолаш учун эндоваскуляр, эндоскопик ва очик адреналэктомиядан сўнгги ижобий натижаларнинг барқарорлиги (Kaplan-Meyer) асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

буйрак усти бези ўсмалари морфогенезини дифференциал баҳолаш учун хавфсиз ёки хавфли ўсма жараёнларига хос бўлган патогномоник МСКТ белгилари билан балли ўлчов усули ишлаб чиқилган;

касалликнинг хавфсиз генезига ташхис қўйиш ва хирургик даволаш усуллари танлашни оптималлаштиришда буйрак усти бези кичик ўлчамли ўсмаларида селектив флебография самарадорлиги исботланган;

гормонал фаол ўсмалари бўлган беморларда таклиф этилган амалиётдан олдинги тайёргарлик мажмуаси, амалиёт ва ундан кейинги даврда юрак - қон томир асоратларининг олдини олишга самарали таъсир кўрсатиши исботланган;

беморни амалиёт столига жойлаштиришнинг тавсия этилган усули ретроперитонеал кириш орқали адреналэктомия қилиш имкониятларини кенгайтиришга ва шунга мос равишда амалиётдан кейинги асоратлар частотасини камайтиришга имкон бериши аниқланган;

патологик жараённинг шакли, босқичи ва оғирлигига қараб, буйрак усти бези ўсмалар учун очик, эндоваскуляр ва эндовидеоскопик амалиётларга кўрсатмалар оптималлаштирилган;

буйрак усти бези хавфсиз ўсмаларининг ўлчами ва фаоллигини, шунингдек, гормонал индуцирланган асоратлари ва ёндош касалликларнинг оғирлигини ҳисобга олувчи хирургик усулнинг тактик ва техник жиҳатларини танлаш ва оптималлаштириш имконини берувчи даволаш чора-тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг ҳолатини баҳолаш, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллашда объектив мезонлардан фойдаланган ҳолда тасдиқланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материаллар бўйича олиб борилган. Тадқиқот усуллари буйрак усти бези ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш ва хирургик усулда даволашда замонавий илмий ва амалий ғоялар ва ёндашувларга асосланган. Кўриб чиқилган муаммоларни ҳал этиш

тиббий статистиканинг замонавий тасдиқланган усуллари билан амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, буйрак усти беши хавфсиз ўсмалари бўлган беморларни хирургик усулда даволаш муаммоларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшади. Ушбу касалликнинг хавфсиз ёки хавфли генезининг дифференциал текширилишининг патологик хусусиятлари нур ташхислаш ва ўсманинг гистологик тузилишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган. Адреналэктомиядан сўнг касалликнинг клиник кўринишларини тўлиқ бўлмаган регрессия эҳтимоллигига таъсир қилувчи патогенетик омиллар ошкор этилган. Ўсма жараёнининг асосий хусусиятларини инобатга олган ҳолда адреналэктомиянинг оптимал усулини аниқлаш учун мезонлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотнинг алоҳида натижалари буйрак усти беши хавфсиз ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш ва хирургик усулда даволашда магистр, клиник ординаторлар ва курсантлар учун ўқув дастурининг мазмуни ва таркибини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, буйрак усти беши хавфсиз ўсмаларининг хусусиятини баҳоловчи ишлаб чиқилган балли мезон, амалиётдан олдинги даврда ўсманинг характерини аниқлаш ва морфологиясига боғлиқ муайян даволаш тактикасини танлашга имкон берган. Гиперальдостеронизмнинг латент шакли, Иценко-Кушинг синдромининг субклиник шакли ва гормонал фаол бўлмаган ўсмалар, “яширин” феохромоцитома билан беморларни аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Беморни амалиёт столига жойлаштириш усули таклиф этилган, бу эса ретроперитонеоскопик адреналэктомия қилиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, амалиётдан кейинги асоратларни камайитириш имконини берган. Буйрак усти беши хавфсиз ўсмалари учун даволаш чоратадбирлар тактикаси ишлаб чиқилган, бу ўсманинг катталигига ва гормонал фаолиятига кўра оптимал даволаш усулини танлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Буйрак усти беши ўсмалари ташхиси ва даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалари асосида:

услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди “Симптоматик артериал гипертензияда хирургик усулни танлаш” ва “Буйрак усти беши хавфсиз ўсмаларини ташхиси ва даволашни ўзига хос хусусиятлари” тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/158-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсияномалар кам инвазив усуллар самарадорлигини ошириш ва имкониятларини кенгайтириш, амалиёт ичи асоратлар сонини камайитириш, ҳамда амалиётдан кейинги эрта ва кейинги даврларда яхши натижалар олиш имконини берган;

буйрак усти беши хавфсиз ўсмалари билан оғриган беморларда юқори технологияли хирургик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси, Жигар ва ўт чиқариш йўллари хирургияси

илмий маркази, Болалар кам инвазив республика илмий маркази амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/158-сон маълумотномаси). Буйрак усти беши сифатли ўсмаси билан оғриган бўлган беморларни даволашда таклиф этилган комплекс ёндашиш видеоэндоскопик муолажалар сифатини ошириш, асосий симптомларни 3 йил ичида 85,9% беморларда, 6 йил ичида 80,5% ва 9 йилда 80% беморларда камайишига олиб келган, специфик асоратлар ва ўлим сонини қисқартириш ҳамда ижобий натижалар миқдорини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларида, шу жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 37 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг республика илмий ва тадқиқотлари устувор йўналишларига мослигини, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Буйрак усти беши ўсмаларининг эпидемиологияси, диагностикаси ва жарроҳлик усулида даволаш”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар тахлили келтирилган, тўртта бўлинмадан иборат бўлиб, буйрак усти беши ўсмаларининг эпидемиологияси, этиологияси, диагностикаси, ва шунингдек жарроҳлик усулида даволашнинг тарихий ва замонавий қарашларга бағишланган. Келгусида хал этилишини талаб қиладиган мунозарали ва ҳал этилмайдиган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Материалнинг клиник хусусиятлари ва қўлланилган текширув усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, 1994 дан 2018 йилгача буйрак усти беши ўсмалари бўлган 284 беморнинг хусусиятлари келтирилган.

Беморлар қўлланилган даволаш усуллари бўйича уч гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳ – “очик” адреналэктомия қилинган 92 бемор, иккинчи гуруҳ – рентгенэндоваскуляр муолажа бажарилган 48 нафар, учинчи гуруҳ - видеоэндоскопик адреналэктомия бажарилган 144 бемор.

263 (92,6%) беморда артериал гипертензия бўлиб, уларнинг давомийлиги 1 йилдан 20 йилгача, ўртача $7,3 \pm 0,6$ йилни ташкил этди.

Ўсимта ҳажми 0,5 см. дан 18 см. гача, биринчи ва учинчи гуруҳларда ўсимта катталиги жиҳатидан алоҳида фарқлар бўлмаган, ушбу гуруҳларда беморларнинг аксарияти ўсма ҳажмини 1 см. дан 6 см. гача (ўртача $3,2 \pm 0,8$ см).

Иккинчи гуруҳда ўсимта ҳажми 0,5 см. дан 2,7 см. гача (ўртача $0,8 \pm 0,2$ см). Ушбу гуруҳда 12 ҳолатда ўсма ҳажми 10 мм. дан ортиқ бўлган.

Буйрак усти беши ўсмаларининг амалиётгача ташхислаш: шикоятларни йиғиш, анамнез, объектив текширув, қорин ва қорин парда орти бўшлиғини ультратовуш ва МСКТ, гормонал ҳолатни лаборатор текширувлар ўтказилган.

Диссертациянинг **“Буйрак усти беши ўсмаларининг махсус текширув усуллари натижалари ва амалиётгача тайёрлаш”** деб номланган учинчи бобида, 284 беморнинг 96 (33,8%) тасида альдостерон ташхисига мос равишда қон зардобиди альдостерон концентрацияси (АК) кутарилиши кузатилган.

Аммо, 22 (7,8%) беморда АК нинг мўътадил миқдори аниқланишига қарамасдан, гипералдостеронизмнинг енгил белгилари кузатилди, шунинг учун улар 7 та ҳолатда изотоник натрий хлорид эритмаси билан синовдан ўтказилганда альдостерон даражасининг 10% гача ортишини аниқлашга имкон берадиган, бу эса альдостерома ташхисини аниқлаш имкон берган.

31,8% ҳолатда яширин гипералдостеронизмни аниқланган. 20 (7,1%) беморда қонда адреналин концентрацияси кўтарилган ва 7 (2,5%) беморда қонда норадреналин концентрацияси ошган.

Феохромоцитома шубҳа қилинган беморларнинг 13 (4,6%) тасида клонидин билан бостирувчи тест ўтказган, 4 (30,8%) беморда тест синовлари ижобий бўлган, яъни тестнинг самарадорлиги 30,8% ни ташкил этган.

89 (31,3%) беморда қонда кортизол юқори концентрацияси мавжуд эди. 46 (16,2%) беморда қонда кортизол миқдори нормада бўлган, бироқ субклиник шаклдаги Иценко-Кушинг синдроми (ИКС) кузатилган ва 17 (36,9%) беморда тест ижобий баҳоланди, синаманинг информативлиги 36,9% ни ташкил этган.

Буйрак усти беши ўсмаларининг табиатини аниқлашда инструментал усуллардан бири бўлган МСКТ жуда муҳим аҳамиятга эга. Дастлабки текширув вақтида 290 беморда МСКТ маълумотлари таҳлил қилинди.

МСКТ га кўра, 6 та беморда хавфли ўсма аниқланган (I ва III гуруҳларда учта бемор), шунинг учун бу беморларни тадқиқотдан чиқарилди ва онкологга йўлланма берилди. Қолган 284 (100%) беморда хавфсиз ўсмалар аниқланган: ўнг буйрак усти беши худудида - 101 (35,6%), чап томонда - 183 (64,4%) ҳолатда аниқланган.

Юқоридаги келтирилган КТ текширувидан сўнг буйрак усти беши ўсмаларининг белгиларини ва олинган ўсмаларни морфологик текширувларни таҳлили, амалиётгача хавфли ўсмаларни аниқлаш ва даволаш усулини танлаш имконини берадиган балли ўлчовни ишлаб чиқиш (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги № DGU 05769/15.11.2018, дастурга гувоҳнома олинган) имконини берди. Бунинг учун амалиёт бажарилган 150 беморда МСКТ кўрсаткичлари ва гистологик

материални ўрганилган. Ҳар бир белги 1-жадвалда акс эттирилган баллар билан баҳоланди.

1-жадвал

МСКТ бўйича буйрак усти беши ўсмаларининг кўрсаткичлари

Ўсма кўрсаткичлари	Баллар		
	1 балл	2 балл	3 балл
Ўсма ўлчами	<4 см	4,1-6,0 см	>6,0 см
Четлари	Текис	Баъзи жойлари нотекис	Нотекис
Капсуласи	аниқланади	Қийинчилик билан аниқланади	аниқланмайди
Шакли	думалок	Овал	Нотўғри
Тузилиши	Гомоген	қисман гетероген	Гетероген
Таркибида қўшимчалар	йўқ	Ёғ, қон	Кальцинатлар
Зичлиги (куюқ)	<20 Н	21-40 Н	>40 Н
Контрастнинг тўпланиш вақти	1 мин.гача	2 мин.гача	>2 мин.дан катта
10 мин. ичида контрастни ювилиш %	>60	30-60	<30
Ўсиб кириш белгилари	Мавжуд эмас	Шубҳа бор	мавжуд
Лимфатугунларини мавжудлиги	Мавжуд эмас	1 см.гача ягона бор	>1 см. дан катта

Шундай қилиб, агар баллар йиғиндиси 15 га тенг бўлса, гистологик текширув натижаларига кўра, жараён хавфсиз характерга эга бўлиб, 15 баллдан юқори бўлганда хавфли сифатли бўлган.

Буйрак усти беши ўсмаларининг хавфли табиатини тахмин қилиш учун балли усулли қўллаш орқали МСКТ сезгирлигини 99,3% га, ўзига хослигини 83,3% гача, усулнинг аниқлигини 97,3% га кўтаришга эришилди.

Беморларда чап буйрак усти беши ўсмалари кичик ўлчамли (2 см. гача) бўлганда селектив флебографияни киритиш аденомларни гиперплазиялардан ажратишни таъминлайди.

Буйрак усти беши ўсмалари бўлган беморларда амалиётдан олдинги тайёргарликнинг асосий принциплари амалиётнинг биринчи босқичда гипертензиянинг олдини олиш ва иккинчи босқичда гипотензиянинг олдини олиш, шунингдек амалиётдан кейинги даврда адренал этишмовчилик намоён бўлишини олдини олиш.

Шу муносабат билан беморларнинг амалиётдан олдинги тайёргарлиги ўсманинг морфологик турига қараб алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, №758

сонли “Буйрак усти беги ўсмалари гормонал-фаол ўсмалари бўлган беморларни амалиётдан олдинги тайёрлаш усули” бўйича рационализаторлик таклифини ишлаб чиқилган ва клиника амалиётига татбиқ этилган.

Конн синдромида гипокалемия, гипернатриемия ва метаболик алкалозни тузатиш учун мўлжалланган хирургик даволашдан 1 ой олдин беморларга верошпирон 100 мг. ва калий воситаси кундалик дозада буюрилган. Гиперкортицизм ҳолатларида электролитлар бузилишларини тузатиш ва компенсация қилиш учун барча беморлар 14-20 кун давомида верошпирон (50-200 мг/кун) билан калий препаратлари комбинацияси буюрилган. Феохромоцитоманда беморнинг умумий ҳолатининг оғирлигига боғлиқ равишда, гипертония давомийлигига, гипертоник кризларнинг частотасига, ўсимта катталигига ва гормонал фаолият даражасига қараб, 15-25 кун доксозалин кунига 4 дан 12 мг гача белгиланган.

Диссертациянинг **“Буйрак усти беги ўсмалари бўлган беморларда очик адреналэктомия натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида, ТТА II-клиникасида даволанган 92 беморда очик адреналэктомия натижалари тақдим этилган.

Гормонал фаол ўсмалар 94,6% ни ташкил этган, беморларнинг 5,4% да гормонал фаоллик аниқланмади. МСКТ маълумотларига кўра, буйрак усти беги ўсмаларининг ўлчами ва жойлашуви куйидагича: 61 (66,3%) чап томони шикастланиши кузатилган, ўсманинг ўлчами 1 см дан 18 см гача (ўртача $5,2 \pm 0,8$ см).

Адреналэктомиyani очик усул билан бажариш учун 2 та йўл 81 та (88%) беморларда торакофренолюмботомия (ТФЛ) ва 11 (12%) ўрта лапаротомия (ЎЛ) қўлланилган. Беморнинг тана тузилишига кўра кесма узунлиги 15 дан 35 см гача (ўртача $22,2 \pm 2,4$ см). ТФЛ орқали ОАЭ амалиётининг ўртача давомийлиги $143,8 \pm 8,3$ дақиқа бўлиб, у жарроҳлик йўли билан кириш ва плеврал бўшлиқнинг очилишига боғлиқ. Интраоператив қон йўқотиш миқдори 200 дан 700 мл гача, ўртача 445 ± 27 мл ни ташкил қилди. Амалиётдан кейинги дастлабки даврда 7 (7,6%) ҳолатда куйидаги асоратлар кузатилди: 1 (1,1%) - қайта амалиётни талаб қиладиган ретроперитонеал бўшлиқдан қон кетиши, 3 (3,3%) ҳолатда плевра-ўпка асоратлари (кичик пневмоторакс - 1, эксудатив плеврит - 1, гемоторакс - 1), 3 (3,3%) беморда амалиётдан кейинги жароҳатни йиринглаши кузатилди. Битта ҳолатда ўлим кузатилди. Шифохонада беморларнинг ўртача бўлиш давомийлиги ТФЛ дан кейин $13,6 \pm 2,1$ кун ва ЎЛ дан кейин $12,1 \pm 1,1$ кунни ташкил этган. Ўртача артериал қон босимининг ишончли пасайиши амалиётдан кейинги яқин даврда $207,4 \pm 26,2$ дан $145 \pm 14,7$ мм рт.ст. гача ($p < 0,01$). Амалиётдан сўнг 78 (90,7%) беморда ижобий (яхши ва қониқарли) натижалар қайд этилган. Натижада 8 (9,4%) беморда қониқарсиз натижалар қайд этилган, шифохонадан чиқариш вақтида қон босими дастлабки кўрсаткичдан фарқ қилмаган.

Очик адреналэктомия 10 см. дан катта ва хавфли ўсмаларни (ўсма морфогенези бўйича 15 баллдан юқори бўлган беморлар) даволашда танланган усули бўлиб ҳисобланади. Бир томонлама очик адреналэктомиядан

кейин 5 йилгача бўлган даврда яхши ва қониқарли натижалар беморларнинг 85,9% ида, 10 йилгача - 80,8% ида, 10 йилдан ортиқ - 76,7% ида кузатилди.

Диссертациянинг **“Буйрак усти беги ўсмалари бўлган беморларда эндоваскуляр даволаш усуллари натижалари”** деб номланган бешинчи бобида, 48 та беморда рентгеноэндоваскуляр даволаш (РЭД) натижалари келтирилган. Барча беморлар артериал гипертензия (АГ) нинг клиник белгилари билан муружаат қилишган, АГ давомийлиги 1 йилдан 12 йилгача, ўртача $4,1 \pm 0,4$ йил оралиғида бўлган. Шундай қилиб, клиник, лаборатор, инструментал усуллар асосида 5 (10,4%) беморда феохромоцитома, 17 (35,4%) беморда альдостерома ва 24 (50%) беморда кортикостерома ташхиси аниқланди. 1 (2%) беморда гирсутизм белгилари (тестестерома) кузатилди.

Қон босимининг клиник белгилари йўқлиги сабабли 1 (2%) беморда ташхис қўйиш учун натрий хлориднинг изотоник эритмаси билан синама ўтказилди ва гиперальдостеронизм аниқланди. Қуйидаги усулларни қўлладик: 36 та беморда буйрак усти безининг марказий венасини электрокогуляция билан ёпиш усули, буйрак усти безининг венасини 3% ли тромбовар эритма билан ўткир бекитиш усули - 2 беморда ва буйрак усти безининг венасини ўткир окклюзия усули марказий венасини электрокогуляция билан бирга - 10 беморда қўлланилди. Амалиётдан кейинги даврда ўртача систолик артериал қон босимининг $206,3 \pm 21,3$ дан $143,2 \pm 12,7$ мм рт.ст.гача ($p < 0,01$) ва ўртача диастолик артериал қон босимининг $109,2 \pm 9,7$ дан $91,3 \pm 6,2$ мм рт.ст.гача ишончли равишда пасайиши кузатилди ($p < 0,01$). Амалиётдан кейинги даврда 32 (66,7%) беморда РЭД дан сўнг яхши натижалар, 12 (25%) ҳолатда қониқарсиз натижалар қайд этилди. РЭДдан кейин 12 (25%) беморда қониқарсиз натижалар кузатилди, бу амалиётдан кейин самара йўқлиги ёки узок даврда АГ нинг қайталаниши тарзида кузатилди.

Барча беморларда МСКТ текшируви ўтказилди. Шу билан бирга, 4 (33,3%) беморда буйрак усти безлари патологияси аниқланмади, 4 (33,3%) беморда 15 мм. дан 22 мм. гача (ўртача 18,5 мм) катталиқдаги ўсма аниқланди, қониқарсиз натижалар кузатилган 4 (33,3%) беморда электрокогуляциядан сўнг чап буйрак усти безининг 18 мм дан 35 мм гача бўлган геморрагик кистаси, доимий АГ билан аниқланди. 8 та ҳолатда яхши натижа билан адреналэктомия бажарилган. Альдостерома ва кистали 7 (58,3%) беморда адреналэктомиядан сўнг яхши ва қониқарли натижалар қайд этилган. Буйрак усти беги яхши ўсмалари 1,0 см дан кичик бўлганда эндоваскуляр даволаш АГ ни самарали минимал инвазив даволаш усулидир, 5 йил ичида беморларнинг 80% дан ортиғида симптомларни камайтириш имконини берувчи усулдир. Чап буйрак усти безининг марказий венасини РЭД 91,7% ҳолатларда АГ ни даволаш самарадорлигини оширади. АГ ни даволашда РЭД нинг қониқарсиз натижаларининг сабаблари 25% да сурункали буйрак касалликлари, 66,7% ҳолатларда ўсимта ўлчами 1,0 см ортиқ бўлганда тўқимани етарли девитализация қилмаслик ва 8,3% да атеросклеротик реноваскуляр гипертензия сабаб бўлади.

Диссертациянинг “Буйрак усти беzi яхши ўсмалари бўлган беморларда видеоэндоскопик адреналэктомия натижалари” деб номланган олтинчи бобида, 144 та видеоэндоскопик адреналэктомия натижалари келтирилган.

Клиник белгилар, шунингдек, махсус синамалар натижаларига кўра 15 (10,4%) беморларда феохромоцитома, 58 (40.3%) ҳолатда - кортисостерома ва 49 (34%) беморларда альдостерома аниқланган. 5 (3.5%) беморда тестостерома аниқланган. Шундай қилиб, гормонал фаол ўсмалар беморларнинг 127 (88,2%) да, ва гормонал ноактив бўлган ўсмалар беморларнинг 17 (11,8%) тасида аниқланган.

Гормонал актив БУБЎ бўлган беморларда амалиётдан олдинги тайёргарлик талаб қилинади, бу эса ўсимтанинг эхтимолий морфологик кўриниши ва гомеостазнинг ҳолатига боғлиқ бўлган. Ўртача амалиётдан олдинги тайёрлаш давомийлиги $17,1 \pm 4,5$ кун (10 дан 25 кунгача). Бунда ўртача тана вазни индекси (ТВИ) $30,2 \pm 2,1$ эди. Шу билан бирга, орқа ретроперитонеал адреналэктомия (ОРА) бажарилган беморларда ТВИ ёнлама трансабломинал адреналэктомия (ЁТА) га нисбатан юқори бўлган (ўз навбатида $32,4 \pm 2,2$ ва $28,8 \pm 1,2$). 144 ЛАЭ дан: 93 (64,6%) ҳолатда ЛАЭ ёнбош кесма орқали, 6 (4,2%) беморда “hand-assist”; 45 (31,3%) беморда ОРА бажарилган. Дастлабки 50 видеоэндоскопик адреналэктомия (ВЭАЭ) ЁТА усули ёрдамида амалга оширилган. ВЭАЭ нинг давомийлиги, ўсимтанинг ўлчамига боғлиқ бўлган: ўсманинг катталиги 6 см дан ошган бўлса, амалиёт вақтини сезиларли даражада оширди. Буни ҳисобга олиб, амалиёт давомийлигини қисқартириш ва қон йуқотиш хажмини қисқартириш учун ўсманинг 8-10 см гача ўлчамида, ЁТА “hand-assist” техникаси татбиқ этилган. ЁТА “hand-assist” усули 6 (4,1%) ҳолатда қўлланилган. 2-жадвалда ЁТА ва ЁТА- “hand-assist” нинг солиштирма кўрсаткичлари ўсмалар катталиги 8-10 см гача бўлгандаги маълумотлари келтирилган.

2-жадвал

ЁТА ва ЁТА «hand-assist» усуллари таққосий кўрсаткичлари

Амалиёт турлари	Амалиёт сони	S	D	Кесма узинлиги	Қон йуқотиш ҳажми	Амалиёт давомийлиги	асорати
ЁТА	2	1	1	-	135 ± 15 мл	$129 \pm 4,4$ мин	йўқ
ЁТА «hand-assist» билан	6	4	2	7-8 см ($7,5 \pm 0,22$ см)	$80 \pm 6,2$ мл*	$88 \pm 3,8^*$ Мин	йўқ

Еслатма: * - БТА кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли ($P < 0,05$)

Кейинчалик, тажриба ортиши билан, ретроперитонеал усул жорий этилди (2014 йилдан бошлаб). Шу билан бирга, чекланган бўшлиқни ҳисобга олган ҳолда ОРА усул учун ўсма ўлчами 4 см гача беморлар танланган.

ЁТА нинг ўртача давомийлиги $95,1 \pm 8,1$ мин. ташкил этди, бунда амалиёт чапда ўнгга нисбатан ($108,3 \pm 8,5$ мин ва $80,5 \pm 7,7$ мин) узокрок давом этди, бу эса талоқ ва ошқозон ости безининг анатомик яқин жойлашуви ($p < 0,05$) туфайли юзага келди.


ОРА нинг ўртача давомийлиги $78,3 \pm 7,2$ мин. бўлиб, бунда ўнгга чапга нисбатан ($84,2 \pm 7,5$ мин. ва $72,5 \pm 6,5$ мин. тегишли равишда) буйрак усти безининг пастки ковак вена устида жойлашганлиги учун амалиёт узокрок давом этди ($p < 0,05$).

ВЭАЭ бажарилганда амалиёт давомида қон йўқотиш минимал бўлиб, 20 дан 150 мл гача (ўртача 65 ± 25 мл) бўлган.

ОРА нинг ЁТА га нисбатан афзалликлари абдоминал органлар билан алоқа мавжуд эмаслиги, семизлик билан оғриган беморларда безнинг кичик ўсмалари (айниқса чапда) тез топилиши билан тушинтирилади. Бу афзалликлар ОРА ўтказилган беморларнинг ЁТА билан таққослаганда амалиётдан кейинги даврда қолиш давомийлигини камайтириш имкон берган.

ОРА нинг афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, унинг бажарилишига қулайлик ва имкониятлар чегарасини кенгайтириш учун беморнинг амалиёт столида янги позициясини таклиф қилинди.

Ретроперитонеал бўшлиқ ҳажмини ошириш учун қорин ташқи чегараларига иккита валикни жойлаштирдик: қов соҳаси ва кўкрак қафасининг пастки учлигида (1-расм). Беморнинг бу ҳолатида жарроҳлик майдони ҳажми вертикал ўлчам ҳисобидан (Гук қонуни) максимал равишда 1,7 марта кўпаяди.



1-расм. ОРАни бажаришда операция столида беморнинг жойлашиш чизмаси.

Лекин “ишчи” бўшлиқни чексиз кенгайтира олмаймиз. Қорин бўшлиғининг органларини керакли миқдорда пасайтиришни аниқлаш учун керакли кўтарилиш масофаси, бу ҳолда валикларнинг баландлиги аниқланди. Талаб қилинадиган баландликни ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилди:

$V = a \times b \times c \times 0,52$; бу ерда a – вертикал ўлчам, b – сагиттал ўлчам, c – фронтал ўлчам, $0,52$ – корригирланувчи коэффицент.

Ушбу формуладан фойдаланиб ретроперитонеоскопик усул билан олиниши мумкин бўлган максимал ўсманинг ўлчами 6 см дан ошмаслиги кераклигини аниқладик. Катта ўлчамли ўсмаларда амалиёт бурчаги ўткирлашиб, адреналэктомия бажариш самарасиз бўлади.

Формула: $V_2 = V_1 + V_x$

$$\frac{V_2}{V_1} = \frac{V_1 + V_x}{V_1} = 1 + \frac{V_x}{V_1} = 1 + \frac{a \times b \times \Delta x \times 0,52}{a \times b \times c \times 0,52} = 1 + \frac{\Delta x}{c} = 1 + \frac{0,7c}{c} = 1,7$$

